

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР

Юлдашева Нигора Баходировна

ТАТУ Фарғона филиали академик лицейи, ўқитувчи

Аннотация: *Ижтимоий фаолиятда эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлигини тўғри англамайдиган, шахсий ва ижтимоий манфаатларини муштарак кўрмайдиган ёшларни бирдамлик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш масалалари заруратга айланмоқда. Натижада, дунёда ёшлар ижтимоий фаолиятида эҳтиёж ва манфаатлар уйғунлигини таъминлашнинг фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиш ҳам долзарблик касб этмоқда.*

Калит сўзлар: *фаоллик, ижтимоий фаоллик, инсон омили, фуқаролик жамияти, адолат, ижтимоий ҳимоя.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади бевосита инсон, унинг кадр-қиммати, эҳтиёж ва манфаатларига қаратилган. Инсон ва жамият ҳаётида давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Янги жамиятнинг навқирон авлоди, фуқаролик масъулияти ва замонавий дунёқарашга эга бўлган баркамол ёшлар ҳаётга кириб келаётгани ва уларга муносиб ҳаёт шароитлари, кенг имкониятлар яратилаётгани” каби масалаларга устувор вазифалар сифатида қаралмоқда. Сўнгги йилларда жамиятнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида давлатимиз томонидан ёшларга эътибор кучайтирилди. Давлатимиз ёшларини асраб авайлаш, онги эндигина шаклланиб келаётган ёшларни бегона ёт ғоялар ортидан эргашиб кетишларини олдини олиш ва келажак учун комил инсон қилиб тарбиялаш асосий вазифаларимиздан бирига айланди. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда жамиятимизнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида ҳам катта ўзгаришлар кузтилмоқда. Хукуматимиз демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ўзбекистонда ривожланган давлатларнинг тажрибасидан келиб чиққан ҳолда давлатимиз раҳбари томонидан эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, халқимиз фаровонлиги ошириш ва ислохотлар замирида аҳоли ижтимоий ҳаётини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Замонавий фуқаролик жамияти ҳуқуқ ва мажбуриятлар бирлигини англашга асосланган бўлиб, унда асосий эътибор ёшлар ижтимоий фаоллигига қаратилади. Фуқаролик жамияти биринчи навбатда фаол, эркин ва мустақил фикрлайдиган ёшлар билан шаклланади. Шу муносабат билан фуқаролар ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларда ижтимоий-сиёсий маданиятни юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Ёшлар фуқаролик жамиятини қуришда ўз ҳуқуқ ва манфаатлари асосида давлат ва жамият бошқарувида бевосита

иштирок этишлари лозим. Давлатимиз конституциясида белгилаб қўйилган фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари мамлакатимизда фуқаролик жамияти барпо этишнинг асоси ҳисобланади.

Ҳозирда ўсиб келаётган ёш авлоднинг юксак маданияти мана шу ҳуқуқ ва бурчларига содиқлиги, уни қай даражада амалда қўллаши орқали кўринади. Ҳозирги кунда давлатимизнинг иқтисодий-ижтимоий қудрати, унинг жаҳон миқёсидаги нафузининг ошиб бориши жамиятда ижтимоий маданиятни юксалтиришга боғлиқдир. Ижтимоий фаоллик жамият сиёсий ҳаётида миллий манфаатларни амалга оширишга, маълум бир гуруҳ, қатлам ва миллий бирлашмалар ўртасида умуминсоний мақсад ва қарашларни шаклланишига хизмат қилиб, маълум бир мақсад, қадрият ва меъёрлар асосида шахснинг ижтимоий маданий савиясини шакллантиради.

Ижтимоий фаоллик – жамият сиёсий-ижтимоий тизимининг таркибий қисми сифатида ёшларни эртанги кун истиқболи учун интилишларини, уларнинг ижтимоий ҳаракатларини, ахборотга эга бўлиш, ижтимоий билимларини ошириш, жамият ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш жараёнларини белгилаб беради. Бундан ташқари ёшларнинг турли ижтимоий гуруҳлардаги ўрни, давлат ҳокимияти, сиёсий ташкилотлардаги иштироки, бошқа давлат ва миллатлар билан муносабати каби масалаларда уларнинг ижтимоий фаоллик шаклланганлик даражасини кўрсатади. Ҳозирги кунда ёшлар ижтимоий фаоллигига алоҳида эътибор билан ёндошиб, уни ўзига хос мустақил маданият тури сифатида қабул қилиш лозим. Чунки ушбу тушунча моҳияти ва амалда намоён бўлишига кўра жамият тараққиётига онгли муносабатни англатади. Шу сабабдан ҳозирги ёшлардан жамиятни демократлаштириш ва ижтимоий ҳаётни эркинлаштиришда фаол иштироки талаб этилади. Бу билан ёшларнинг давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг моҳиятини англаши, эркин таҳлил қила олиши, жамият ижтимоий ҳаётида кечаётган воқеа-ҳодисаларни мустақил баҳолай олиш қобилияти шаклланишини кўрсатиб беради. Ёшларни ижтимоий фаоллиги у яшаётган жамиятда ижтимоий-сиёсий тизимга боғлиқ равишда ривожланиб, ўша жамиятни ташкил этаётган ёшларнинг салоҳияти, билим ва тафаккурига таянади ва шу орқали жамиятга бўлган ижтимоий муносабатини очиқ беради. Фуқаролик жамиятида ёшлар ижтимоий фаоллигини шакллантиришдан асосий мақсад шахснинг фаолиятидаги имкониятларини кенгайтириш, ёшларни ижтимоий ва иқтисодий-ҳуқуқий тенглигини ва қадр-қимматини мустаҳкамлашдир.

Ҳозирда жадал суръатларда тараққий этиб, ўсиб бораётган жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокини кенгайтириб бориш давр талабидир. Ёшларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги иштироки сезиларли даражада ўсиб боришини давлат ҳокимияти бўғинлари, сиёсий партия ва ҳаракатлар,

ижтимоий ташкилотлар, ўзини-ўзи бошқариш идоралари, фуқаролик жамияти институтларида уларнинг фаоллиги орқали кузатиш мумкин. Ёшларнинг сиёсий соҳадаги билим, тажриба ва маданияти узлуксиз ўсиб борувчи жараёндир. Ёшларга дастлабки ижтимоий-сийсий тушунчаларни таълим муассасаларида ижтимоий-иқтисодий билимларни бериш орқали уларни дунёқараши, онги ва маданиятини шакллантириб бориш зарур. Сиёсатшунос олим Ҳ.Расуловнинг фикрича ижтимоий фаолликнинг асоси – сиёсий онг ва маданиятдир. Қайси мамлакатда аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юқори бўлса, ўша давлат ижтимоий ҳаётида демократик тамойиллар устуворлик касб этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, сўнгги йилларда мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий соҳаларида амалга оширилаётган кўплаб ислохотлар ёшларнинг билими, дунёқараши тажриба ва фаоллигини ошишига катта ёрдам бермоқда. Шу билан бирга хозирги кунда турли сиёсий партия ва ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини юксалтириш билан бу ташкилотларга ёшларни янада кўпроқ жалб этиш орқали уларнинг онги ва маданиятини ошириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ш.Мирзиёев. “Янги Ўзбекистон стратегияси”. Тошкент. “Ўзбекистон” 2021. –Б 29.
2. Ўзбекистон Республика Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами. 2017 йил. 13 февраль
3. Расулов Ҳ. Сиёсий фаоллик. // Жамият ва бошқарув. // 2009 №3 Б.41
4. Каримова, Г. Й. (2021). MORALITY AS AN IDEOLOGICAL METHOD OF FIGHTING SPIRITUAL THREATS. Экономика и социум, (6-1), 707-710.
5. Каримова, Г. Й. (2021). АХЛОҚ-МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШНИНГ МАФКУРАВИЙ УСУЛИ СИФАТИДА. Экономика и социум, (6-1 (85)), 707-710.
6. Gulnoza, K., Gulzodabegim, K., & Mokhinur, Z. (2022). THEORETICAL AND PRACTICAL BASIS OF THE SCIENCE OF SOCIAL ANTHROPOLOGY. Research Focus, 1(3), 88-93.
7. Karimova, G. (2022). CORRUPTION: ITS HISTORICAL ROOTS AND WAYS TO COMBAT IT. Research Focus, 1(4), 267-272.
8. Каримова, Г. (2022). МАЪНАВИЯТ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ. Экономика и социум, (3-2 (94)), 612-615.

9. Sadikovna, S. N. (2023). TA'LIM JARAYONIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 4(1), 27-31.
10. Sadikovna, S. N. (2022). OLIY TA'LIMDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANISH MUAMMOSINI O'RGANISHNING ILMIY-METODIK ASOSLARI. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(4), 167-169.
11. YULDASHEV, F., & YULDASHEVA, N. МИРОВАЯ НАУКА. МИРОВАЯ НАУКА Учредители: ООО" Институт управления и социально-экономического развития", (10), 1316.
12. Юлдашев, Ф. А. (2021). ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ИНСОН ЭҲТИЁЖЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ФАЛСАФИЙ ЖИҲАТЛАРИ. Scientific progress, 2(8), 347-356.
13. Abdurakhmanovich, Y. F. (2013). Humanity And Happiness-A Vital Factor In The Independent Life Of The Young Generation. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 252.
14. Abdurahmanovich, Y. F. (2022). Features of Human Needs and Interests in Information Society. International Journal of Discoveries and Innovations in Applied Sciences, 2(6), 61-66.
15. Yuldashev, F. A. (2021). Socio-Philosophical Aspects Of Studying Human Needs In Society. Oriental Journal of Social Sciences, 1(1), 17-22.
16. Yuldashev, F., & Bobur, U. (2020). Types of Electrical Machine Current Converters. International Journal of Engineering and Information Systems (IJEAIS) ISSN, 162-164.
17. Yuldashev, F., & Yuldasheva, N. (2019). The Role of Communication Skills and Improving These Skills in Teaching. Scientific Bulletin of Namangan State University, 1(2), 262-266.